



XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI DANG'ARA TUMAN KENGASHI QARORI

2021 - yil 4 - oktabr

VI-38-37-11-155-K/21

Dang'ara tuman hokimligi

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли, 2021 йил 22 сентябрдаги ““Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш масадида Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ““Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли Қарорига асосан, жорий йилда ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида фуқаролар томонидан келиб тушган ўринли ва долзарб муаммоларни киска муддатларда бартараф этилишини таъминлаш ҳамда ғолиб таклифлар сонини кўпайтириш учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан “Фуқаролар ташаббуси жамғарма”сига қўшимча маблағлар ажратилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги

КҚ-213-IV-сонли қарори асосида жорий йилнинг 1-июлидан 2-сентябрга қадар ўтказилган уч босқичдан иборат жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш жараёни натижалари бўйича туман ҳокимлиги молия бўлими мудир И.Усмоновнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ишчи гуруҳ хулосаларига асосан, Молия Вазирлигининг 2021 йил 6 сентябр кунги “Туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниқлаш юзасидан” қўлланмаси талаблари асосида, энг кўп овоз олган, 7 та (манзилли рўйхатда номлари кўрсатилган) таклифлар “ғолиб” деб топилсин ва ушбу таклифларни молиялаштириш бўйича “Манзилли рўйхат” иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда ижро учун қабул қилинсин.

Бунда,

- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмаслик;

- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган туман бюджети маблағлари туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағида жамланган маблағларни бошқа мақсадларга сарфланиши тақиқланиши белгилаб қўйилсин.

4. Тасдиқланган Манзилий рўйхат асосида :

- Туман ҳокимлиги Молия бўлими (И.Усмонов) танлаб олинган тадбирларни молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида, буюртмачи ташкилотларига тегишли маблағ манбаси бўйича (4017) “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” махсус ҳисоб рақамлари очилишини;

- Туман ҳокимлиги ҳисобхонаси (И.Тусматов) Жамғарма маблағлари ҳисобидан тегишли буюртмачи ташкилотларга маблағлар йўналтирилишини;

- Буюртмачи ташкилотлар ажратилган маблағларни лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда мақсадли ишлатилиши ва амалга оширилган ишлар бўйича Халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ишчи гуруҳга маълумот киритиб борилишини таъминласин.

5. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (У.Усмонов) ва туман молия бўлими (И.Усмонов) билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва “ғолиб” деб топилган тадбирларнинг молиялаштириши ҳамда амалга оширилиши лозим ишлар бўйича маълумотларни “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилиши ва кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Туман бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари

Данғара туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси У.Турдикулов зиммасига юклатилсин.

8.Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Ш.Тожиҳакимов

Халқ депутатлари Дангара туман кенгашининг
2021 йил 4 октябрдаги
VI-38-37-11-155-К/21-сон қарорига
1-илова

[illegible]